

"Түплам" деган номнинг ўзига ҳар бир түплам жу-  
лай сун (ҳеч бўлмаганди иккита) элементни ўз ичига  
бўлиши керак деган фикрга олиб келади. Лекин бу  
шундай юмис. Математикада фақат битта элементдан  
изборот, ҳитто, битта ҳам элементи булмаган түплам-  
тарни ҳим текширишга тўғри келади. Бу түплам буш  
түплам деёнилади ва О ҳарфи билан белгиланаиди.

Номи учун бўш түплам киритилади? Биринчидан,  
бўлиши айтиш керакки, түплам узининг бирор характер-  
ли хоссаси билан берилганда, унинг ҳеч бўлмаганди  
бу хоссани ўга бўлган битта элементи бор ёки йўқли-  
си оддиндай бизга маълум бўлавермайди. Масалан, А  
түплам куандагича аниқланган ҳамма тўртбурчаклар-  
ни ташкил тонгсан бўлсин:

- 1) Уларишинг ҳамма бурчаклари тўғри бурчак;
- 2) Диагоналларининг узунликлари ҳар хил.

Геометрияни билмайдиган киши учун бундай та ни қўйишда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқдек ринади. Лекин туғри тўргбурчак диагоналларини тенглиги ҳақидаги теоремага асосан, бундай тўртб чақлар тўпламининг бўшлиги келиб чиқади. Ички бу чақларининг йиғиндиси  $180^\circ$  дан фарқли бўлган учб чақлар тўплами ҳам бўш тўпламдир. Иккитадан оро илдизга эга бўлган квадрат учҳадлардан иборат тўлам ҳам бўш тўпламдир. Умуман, кўпгина теоремаларни бирор тўпламнинг бўшлиги ҳақидаги даъво фатида ифодалаш мумкин (Пифагор теоремасини шудай ифодалаб кўринг).

Математик табиатга эга бўлмаган баъзи тўплам ҳам бўш тўпламдир, масалан,  $300 \times 300$  ёшдан ошган ҳам одамлар тўплами, қуруқликда юрадиган товоонбаликли тўплами, илгари Сириус атрофида айланган Қуёш си темасидаги ҳамма планеталар тўплами.

Айрим тўпламларнинг бўш ёки бўш әмаслиги ҳозиргача аниқланган эмас.  $N = \{n\}$  тўпламни қўйидагичи қилиб тузайлик. Агар  $n > 2$  ва

$$x^n + y^n = z^n$$

тенглама мусбат бутун  $x, y, z$  ечимларга өга бўлса,  $n \in N$  дан тузилган  $N$  тўпламнинг бўш тўпламми ёки йўқлиги ҳозиргача номаълум (Ферманинг машҳур проблемаси шундан иборат).  $\pi$  сонининг ўнли ёйил масига чекли сон марта кирадиган рақамлар тўплами буш тўпламми ёки йўқми экани ҳали ҳам номаълум (бу сон бир неча мингдан бир каср хонасигача аниқликда ҳисобланган бўлса ҳам, ҳалигача унинг ўнли ёйил масида ҳамма рақамлар чексиз кўп марта қатнашадими ёки чекли марта қатнашадиган бирорта рақам ҳам, учрайдими, деган масала ҳал қилинмаган).

Ер шаридаги ҳамма жоғли плезиозаврлар тўплами бўшми ёки йўқлиги номаълум — агар Лох-Несс кўли сехрли маҳлуқи ҳақиқатда ҳам плезиозавр бўлса, бу тўплам бўш әмас.